

ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ПРОГНОЗЛАШ

Шарипов Тохир Мирахимович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация: Илмий мақолада тижорат банкларида масофавий банк хизматлари самарадорлиги ва уларни билдирувчи қўрсаткичларнинг прогнози амалга оширилган. Прогноз қўрсаткичларини аниқлашда ХАБ Трастбанк ва АТБ Туронбанклар статистик маълумотларидан фойдаланилган. Прогноз 2026 йил март ойига қадар қилинган ва бунда реал қўрсаткичлардан фойдаланилган.

Калим сўзлар: масофавий банк хизматли, прогнозлаш, пластик карта, рақамли банк хизматли, инновацион банк маҳсулоти.

ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИННОВАЦИОННЫХ БАНКОВСКИХ УСЛУГ

Шарипов Тохир Мирахимович

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация: В научной статье осуществлен прогноз эффективности дистанционных банковских услуг в коммерческих банках и их показателей. При определении прогнозных показателей были использованы статистические данные ЧАК Трастбанка и АКБ Туронбанка. Прогноз составлен до марта 2026 года и использует реалистичные цифры.

Ключевые слова: дистанционные банковские услуги, прогнозирование, пластиковая карта, цифровой банкинг, инновационный банковский продукт.

FORECASTING THE EFFICIENCY OF INNOVATION BANKING SERVICES

Sharipov Takhir Mirakhimovich

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract: In the research article we forecast the efficiency of remote banking services of commercial banks. Statistical data of PJSC Trustbank and JSC Turonbank have been used to determine the forecast indicators. The forecast was made until March 2026, and the indicators were transferred to real figures.

Keywords: remote banking service, forecasting, bank cards, digital banking service, innovative banking product.

Кириш.

Жаҳонда тижорат банклар ўртасида самарадорликни ошириш ва глобал рақобатбардошлигини таъминлашда инновацион банк хизматларини кенгайтириш, хусусан, масофавий банк хизматлари, анъанавий хизматлар билан рақамли банклар ўртасида интеграцияни таъминлаш асосий модели бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат тижорат банкларида инновацион банк хизматларини ривожлантириш уларнинг глобал молия бозорида кучли рақобатбардошлигини таъминлаб бермоқда.

Охирги ўн йилда дунё иқтисодиётининг рақамлашиш жараёнлари жадал суръатлар билан кечмоқда. Бу йўналишда тижорат банклари ҳам четда қолгани йўқ. Бугунги кунга келиб дунё аҳолисининг ярмида кўпи рақамли тўловлардан мунтазам фойдаланиб келмоқда. Хатто айрим илмий текшириш институтлар прогнозларига кўра, 2024 йилга келиб 2,5 млрд. киши айнан рақамли тўловлардан фойдаланиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Буюк Британияда 2022 йилда аҳолининг 93 фоизи рақамли банк хизматларидан фойдаланган. Шунингдек, 2019 йилда аҳолисининг 9 фоизи фақат рақамли банк ҳисоб рақамига эга бўлган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 24 фоизи чиқиши прогноз қилинмоқда. Яъни Британия аҳолисидан 5,3 млн.киши 2023 йилда рақамли банк ҳисоб рақамини очишга киришади. Бунинг натижасида, Citigroup маълумотларига кўра, 2025 йилга бориб АҚШ банклари ходимлари сони 30 фоизга, яъни бугунги кундаги 2,6 миллион кишидан 1,8 миллион кишигача қисқариши¹²⁹, Европада банк соҳасида ишлайдиган ходимлар 38 фоизга, яъни 2,9 миллиондан 1,8 миллионгacha камайиши кутилмоқда¹³⁰. Бу эса банк фаолиятида инновацион хизматларини такомиллаштиришнинг долзарблигини кўрсатади.

Жаҳонда банк тизимиға инновацион банк хизматларини кенгайтириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қанча илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айнан, бугунги кунда тижорат банкларининг рақамли технологияларни қамраб олиши иқтисодиёт ва жамият тараққиётида асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Шундай экан, инклюзив ривожланишни таъминлашда тижорат банкларининг инновацион хизматларини ривожлантириш ва банк тизимининг рақобатбардошлигини ошириш энг муҳим воситалардан ҳисобланади. Айнан, банк фаолиятида инновацион хизматлар самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш, масофавий банк хизматини кўрсатиш тизимининг ривожланиш даражасини ўрганиш, тижорат банкларида масофавий банк хизматлари кўламини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган муаммолар тадқиқ қилиш масалалари бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт шароитида истеъмолчилар талабарининг ўзгариши, харажатларни қисқартириш ва самарадорликни оширишга нисбатан босимнинг юқорилиги тижорат банкларини замонавий рақамли технологиялардан кенг кўламда фойдаланишга ундамоқда. Шундай экан, мамлакатимизда банк секторининг рақамли трансформациялашуви иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақамлаштириш учун таянч тармоқ сифатида эътироф қаратилмоқда. Шунингдек, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида «молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш» муҳим йўналишлар сифатида белгилаб берилган. Бу ўз навбатида тижорат банкларига инновацион хизматларини ривожлантириш ва аҳолига қулай хизматлар кўрсатишни тақозо этади. Шунингдек, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тижорат банкларининг инновацион хизматлар самарадорлигини эмпирик таҳлил қилиш, хусусан, масофавий банк хизматлари рентабеллигини ошириш, аҳолига сифатли ва қулай банк хизматларини тақдим этган ҳолда уларнинг банк тизимига ишончини оширишга қаратилган илмий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

¹²⁹ https://www.citigroup.com/citi/investor/quarterly/2021/ar20_en.pdf

¹³⁰ <https://www.ecb.europa.eu/press/pr/date/2020/html/ecb.pr200608~4613968937.en.html>

Адабиётлар шарҳи.

Охирги йилларда рақамли банк хизматларини кенгайтириш, рақамли банк хизматлари рискига ва қулайлигига ҳамда рақамли банк хизматларининг банк самарадолигига таъсири борасида кўплаб илмий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотимизда хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишларини тадқиқ қилиб чиқамиз.

Haralayua (2021) илмий ишларида рақамли банк хизматлари кенгайишининг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганган. Унинг фикрича, банкларда мижозлар жисмоний ҳужжатлар орқали транзакциялар ёки банк тарихини кузатиб боришлари керак эди ва бу орқали банк иши кўп вақт талаб қиласидиган жараён эди. Бироқ, рақамлаштириш энди ҳаммага қофозсиз банк хизматларидан фойдаланиш имконини берди. Технологик кенгайиш Ҳиндистонда банк сектори ўсишининг асосий ҳаракатлантирувчи қучи бўлди. Мижозларнинг умидлари ортиб бориши билан банклар мижозлар эҳтиёжини қондириш учун инновацион маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқдилар. Рақамлаштириш банк операциялари, маҳсулот ва хизматларини қайта белгилаб берди. Мижозлар транзакцияларни юқори тезлик, аниқлик ва қулайлик билан муаммосиз бажаришлари мумкин. Бу банкларнинг ўз мижозлари билан боғланиш усулларини ўзгартирди. 2020 йил барча соҳаларда рақамли технологияларга имкон қадар тезроқ мослашиш зарурлигини таъкидлайди.

Dubey (2019) фикрича, сўнгги пайларда FinTech технологиялари бутун дунё бўйлаб рақамли банкингда шаклланди. Ушбу технологияларга сунъий интеллект, кенгайтирилган ҳақиқат ва блокчейн технологияси киради. Ҳозирги вақтда кенгайтирилган реаллик (*Augmented reality (AR)*) технологиялари саноатнинг кўплаб соҳаларида тебраниш таъсирига эга. Соғлиқни сақлаш, нефт ва газ қурилиши ва чакана савдо ҳамда ишлаб чиқаришда қўлланилишидан бошлаб, AR технологиялари ҳозирда жараён самарадорлигини ошириш, харажатларни камайтириш ва кенг кўламли тижорий фойда келтириш учун қўлланилмоқда. У сунъий интеллектни технология оламида кўтарилилган юлдуздир деб баҳолаган. Унинг фикрича, сунъий интеллект ҳақида етарлича билимга эга бўлиш керак, чунки сунъий интеллект ҳозирда ижтимоий тармоқларнинг долзарб мавзуларидан бири бўлиб, бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамлар томонидан муҳокама қилинмоқда. 2018 йилда технология соғлиқни сақлаш, ҳукумат, суғурта, таъминот занжири бошқаруви ва, албатта, молия каби кўплаб муҳим соҳаларда чекловдан асосий оқимга ўтганда блокчейндан фойдаланиш қатъий амалга оширилди. Статистик маълумотларга кўра, блокчейн инновациясига асосланган FinTech лойиҳаларига глобал миёсда 1,3 миллиард доллар сармоя киритилди. Прогрессив молиявий ташкилотлар, шунингдек, ички банк технологияларига, айниқса доимий ҳисоб китоблари билан таъминланганларга харажатларини оширдилар. Шу сабабли, бугунги кунда сунъий интеллект, кенгайтирилган реаллик (AR) ва блокчейннинг рақамли банкингдаги ролини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Банк фаолияти самарадорлигини ошириш борасида маҳаллий иқтисодчиларимиздан Ханнаев (2021) кўплаб илмий ишлар олиб борган. У томонидан банк самарадорлигини аниқлашда нафақат анъанавий методлардан балки ноанъанавий методлардан ҳам фойдаланиш лозимлиги исботлаб берилган. Ҳусусан, банкларнинг турли харажатларини ишчи қучи нархига нисбатан нормаллаштириш орқали қурилган самарадорлик чегарасидан тижорат банклари қанчалик узоқда жойлашганлигидан келиб чиқсан ҳолда банклар самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш таклиф этилган. Шунингдек, давлатнинг бевосита ва билвосита эгалигидаги самарасиз фаолият юритаётган банкларни хусусийлаштириш ва хорижий стратегик инвесторларга сотишдан олдин банк активларини «токсик» активлардан тозалаш лозимлиги таъкидланган. Шу билан бирга, давлат улуши мавжуд тижорат банклари хизматлар сони ва филиаллар тармоғини мақбуллаштиришда банкларни маржинал харажатлар

қайтими бўйича юқори самарадорликка олиб келувчи оптимал ҳажмини аниқлаш тақлиф этилган.


Тадқиқот методологияси.

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган. Тижорат банкларининг масофавий банк хизматлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларни прогноз кўрсаткичларини аниқлашда хусусий банклардан ХАБ Трастбанк ҳамда капиталида давлат улуши мавжуд АТБ Туронбанк статистик маълумотларидан фойдаланилган

Таҳлил ва натижалар мұхокамаси.

Мамлакатимизда банкларнинг масофавий банк хизматларини ривожланиш тенденциясини прогноз қилиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлилнинг дастлабки босқичида мамлакатимизда аҳолининг ва юридик шахсларнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланиш даражасини кўриб чиқмоқчимиз. Таҳлил натижаларига кўра, банк тизимида масофавий банк хизматлардан фойдаланувчи мижозлар умумий сони 2018 йил 1 январь ҳолатига 4453,24 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич кескин ошган ва 30000,91 минг нафарни ташкил этган, ва кўрилган даврда етти мартага яқин ошган.

Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар таркибиға назар соладиган бўлсак, унда жисмоний шахслар улуши катта қисмни ташкил қилмоқда. Хусусан, 2018 йил 1 январь ҳолатига масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 4225,36 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич кескин ошган ва 28843,87 минг нафарни ташкил этган ҳолда кўрилган даврда етти мартага яқин ошган.




1-расм. Ўзбекистон банк тизимида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши)¹³¹

¹³¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Банк тизимида юридик шахсларнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланиш даражасида ҳам охирги йилларда катта ўзгаришлар бўлган. Статистик маълумотларга кўра, масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 2018 йил 1 январь ҳолатига 227,88 мингтани ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич 1157,04 мингтани ташкил этган, ҳамда таҳлил қилинган даврда ошиш беш марта атрофида бўлган.

Илмий тадқиқотларимизда банк тизимидағи ҳолат билан бир вақтда мулкчилик шаклига кўра кичик банкларни ҳам ўрганиб чиққанмиз. Ушбу кичик банклар қаторида давлат улуши мавжуд банклардан АТБ Туронбанкда масофавий банк хизматлари натижадорлигини ҳам таҳлил қилганмиз. Таҳлил натижаларига кўра, АТБ Туронбанкда масофавий банк хизматлардан фойдаланувчи мижозларнинг умумий сони 2018 йил 1 январь ҳолатига 14,77 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич кескин ошган ва 337,21 минг нафарни ташкил этган, ва кўрилган даврда 23 мартаға яқин ошган.



2-расм. АТБ Туронбанкда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши)¹³²


АТБ Туронбанкда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар таркибиға назар соладиган бўлсак, унда жисмоний шахслар улушини ошириш учун катта ишлар қилинганини кўришимиз мумкин. Яъни АТБ Туронбанкда масофавий банк хизматлари сиёсати асосан жисмоний шахсларни қамраб олишга қаратилган. Статистик маълумотларга кўра, 2018 йил 1 январь ҳолатига банкнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 9,66 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич кескин ошган ва 296,34 минг нафарни ташкил этган ҳолда кўрилган даврда 30 мартаған кўпроқ ошган.

АТБ Туронбанкда юридик шахсларнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланиш даражасида ҳам охирги йилларда катта ўзгаришлар бўлган. Статистик маълумотларга кўра, банкнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 2018 йил 1 январь ҳолатига 5,11 мингтани ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич 40,87

¹³² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

мингтани ташкил этган, ҳамда таҳлил қилинган даврда ошиш саккиз марта атрофидан бўлган.

Илмий тадқиқотларимизда танланган кичик банклардан мулкчилик шаклига кўра хусусий банкни танлаганмиз. Ушбу ХАБ Трастбанқда масофавий банк хизматлари натижадорлигини ҳам таҳлил қилганмиз. Таҳлил натижаларига кўра, ХАБ Трастбанқда масофавий банк хизматлардан фойдаланувчи мижозлар умумий сони 2018 йил 1 январь ҳолатига масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 67,82 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич 252,05 минг нафарни ташкил этган ҳолда кўрилган даврда тўрт марта яқин ошган.



3-расм. ХАБ Трастбанқда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши)¹³³


Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар таркибига назар соладиган бўлсан, унда жисмоний шахслар улуши катта қисмни ташкил қилмоқда. Хусусан, 2018 йил 1 январь ҳолатига масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 64,04 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич 211,03 минг нафарни ташкил этган ҳолда кўрилган даврда уч мартадан кўпроқ бўлган.

ХАБ Трастбанқда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланиш даражасида ҳам охирги йилларда сезиларли ўзгаришлар кузатилган. Статистик маълумотларга кўра, банкнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 2018 йил 1 январь ҳолатига 3,79 мингтани ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич 41,02 мингтани ташкил этган, ҳамда таҳлил қилинган даврда ошиш 11 марта яқин бўлган.

Таҳлил натижаларидан хulosса қилишимиз мумкинки, банк тизимида охирги йилларда масофавий хизматлардан фойдаланувчи мижозлар сони кескин ошган. Таҳлилда танланган банклар ҳолатига назар солсан, унда капиталида давлат улуши мавжуд банклардан АТБ Туронбанкнинг масофавий банк хизматлари сиёсати асосан жисмоний шахсларни жалб қилишга қаратилган бўлса, хусусий банклардан ХАБ Трастбанк сиёсатига кўра, асосий эътибор юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сонини оширишга қаратилган.

¹³³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Кўйида банкларнинг масофавий банк хизматлари самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичларнинг прогнозини амалга оширамиз. Бу таҳлилимиз орқали мамлакатимиз банк тизимида инновацион хизматлар ривожланиш тенденциясига хулоса беришимизга ёрдам беради. Таҳлилимизни хусусий банклардан ХАБ Трастбанкда масофавий банк хизматларининг ривожланиш тенденциясини прогноз қилишдан бошлаймиз. Таҳлилда миқдорий кўрсаткичлар реал кўрсаткичларга ўтказилган. Прогноз кўрсаткичлари 2026 йил март ойигача амалга оширилган.



4-расм. ХАБ Трастбанкда активлар реал қиймати ўзгаришининг прогноз кўрсаткичи (млрд.сўмда)¹³⁴


Таҳлил натижаларга кўра, ХАБ Трастбанк активларининг реал қиймати 2018 йил сентябрь оидага 2417,0 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йил сентябрь оидага эса 4973,5 млрд.сўмни ташкил қилган. Прогноз натижаларига кўра, ХАБ Трастбанк активларининг реал ҳажми 2026 йил март оидага 6337,8 млрд.сўмни ташкил қилиши мумкин. 95 фоиз эҳтимолликда ХАБ Трастбанк активларининг реал миқдори 4737,3 млрд.сўм ва 7941,9 млрд.сўм атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Хусусий банкларда масофавий банк хизматлари ривожланиш тенденцияси ва прогноз кўрсаткичларини таққослаш учун биз томонимиздан капиталида давлат улуши мавжуд кичик банклардан АТБ Туронбанк танлаб олинган ҳамда ушбу банк маълумотлари ўрганилган ва керакли прогнозларни амалга оширилган.

Таҳлил натижаларига кўра, АТБ Туронбанк активларининг реал қиймати 2018 йил сентябрь оидага 2765,0 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йил сентябрь оидага эса 8412,4 млрд.сўмни ташкил қилган. Прогноз натижаларига кўра, АТБ Туронбанк активларининг реал ҳажми 2026 йил март оидага 11580,3 млрд.сўмни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. 95 фоиз эҳтимолликда прогноз кўрсаткичлар АТБ Туронбанк активларининг реал миқдори 4999,9 млрд.сўм ва 18160,8 млрд.сўм атрофида бўлиши мумкин. Яъни АТБ Туронбанк активларининг реал ҳажми пессимитик прогнозларга


¹³⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

кўра 4999,9 млрд.сўмни ташкил қилиши ва оптимистик прогнозларга кўра 18160,8 млрд.сўмни ташкил қилиши мумкин.



5-расм. АТБ Туронбанкда активлар реал қиймати ўзгаришининг прогноз кўрсаткичи (млрд.сўмда)¹³⁵

Тижорат банкларида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сонининг ўзгариши орқали биз тижорат банкларининг масофавий банк хизматлари ривожланиш тенденциясини баҳолашимиз мумкин. Қуйида ушбу кўрсаткич бўйича прогнозларни амалга оширганмиз.




6-расм. ХАБ Трастбанкда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сонинг прогноз кўрсаткичи¹³⁶

Таҳлил натижаларга кўра, ХАБ Трастбанкда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар

¹³⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

¹³⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

сони 2018 йил сентябрь ойида 88563 кишини ташкил қылган бўлса, 2023 йил сентябрь ойида банкнинг масофавий хизматларидан фойдаланувчилар сони 171835 нафарни ташкил қылган. Прогноз натижаларига кўра, ХАБ Трастбанкнинг масофавий хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони 2026 йил март ойида 246894 нафарни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, 95 фоиз эҳтимолликда ХАБ Трастбанкнинг масофавий хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони 78184 нафар ва 415602 нафар атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.




**7-расм. АТБ Туронбанкда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи
мижозлар сонинг прогноз кўрсаткичи¹³⁷**

Таҳлил натижаларига кўра, АТБ Туронбанкнинг масофавий хизматларидан фойдаланувчи мижозлари сони 2018 йил сентябрь ойида 16419 нафарни ташкил қилган бўлса, 2023 йил сентябрь ойида эса 495947 нафарга етган. Прогноз натижаларига кўра, АТБ Туронбанкда масофавий хизматлардан фойдаланувчи мижозлар сони 2026 йил март ойида 679443 нафарга этиши кўзланмоқда. Шу билан бирга, 95 фоиз эҳтимолликда прогноз кўрсаткичлар АТБ Туронбанкда масофавий хизматлардан фойдаланувчи мижозлар сони 529661 нафардан 823326 нафаргacha тебраниши прогноз қилинди. Яъни АТБ Туронбанкнинг масофавий хизматларидан фойдаланувчи мижозлари сони пессимистик прогнозларга кўра 529661 нафарни ташкил қилиши ва оптимистик прогнозларга кўра 823326 нафарни ташкил қилиши мумкин.


Таҳлилимизнинг куйидаги босқичида банкларнинг масофавий банк хизматларидан (ўрнатилган тўлов терминалларидан) оладиган даромадларини прогноз қиласиз. Прогноз кўрсаткичларда масофавий банк хизматларидан олган даромадлари реал кўрсаткичларга ўтказилган. Таҳлилимизни ХАБ Трастбанк мисолида олиб борамиз.

¹³⁷ Узбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



8-расм. ХАБ Трастбанкда масофавий банк хизматлари даромадлигининг прогноз кўрсаткичи (млн.сўмда)¹³⁸

Таҳлил натижаларга кўра, ХАБ Трастбанкни масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати 2018 йил сентябрь ойида 329,8 млн.сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йил сентябрь ойида эса 505,6 млн.сўмни ташкил қилган. Прогноз натижаларига кўра, ХАБ Трастбанкни масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати 2026 йил март ойида 557,2 млн.сўмни ташкил қилиши кутилмоқда. Шунингдек, 95 фоиз эҳтимоллиқда ХАБ Трастбанкни масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати 335,2 млн.сўм ва 779,1 млн.сўм атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.



9-расм. АТБ Туронбанкда масофавий банк хизматлари даромадлигининг прогноз кўрсаткичи (млн.сўмда)¹³⁹

¹³⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

¹³⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Таҳлил натижаларига кўра, АТБ Туронбанкни масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати 2018 йил сентябрь ойида 4692,5 млн.сўмни ташкил қиласа, 2023 йил сентябрь ойида эса 7500,1 млн.сўмни ташкил қиласа. Прогноз натижаларига кўра, АТБ Туронбанкни масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати 2026 йил март ойида 9283,1 млн.сўмни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, 95 фоиз эҳтимоллиқда прогноз кўрсаткичлар АТБ Туронбанкни масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати 5927,7 млн.сўм ва 12638,5 млн.сўм атрофида бўлиши кутилмоқда. Яъни АТБ Туронбанк масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати пессимилик прогнозларга кўра 5927,7 млн.сўмни ташкил қилиши ва оптимилик прогнозларга кўра 12638,5 млн.сўмни ташкил қилиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Таҳлил натижаларидан хулоса қилишимиз мумкинки, банк тизимида охирги йилларда масофавий хизматлардан фойдаланувчи мижозлар сони кескин ошган. Таҳлилда танланган банклар ҳолатига назар солсак, унда капиталида давлат улуши мавжуд банклардан АТБ Туронбанкнинг масофавий банк хизматлари сиёсати асосан жисмоний шахсларни жалб қилишга қаратилган бўлса, хусусий банклардан ХАБ Трастбанк сиёсатига кўра, асосий эътибор юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сонини оширишга қаратилган.

масофавий банк хизматлари самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичларнинг прогнозини амалга оширидик. Прогноз натижаларига кўра:

ХАБ Трастбанк активларининг реал ҳажми 2026 йил март ойида 6337,8 млрд.сўмни ташкил қилиши, ҳамда 95 фоиз эҳтимоллик билан банк активларининг реал миқдори 4737,3 млрд.сўм ва 7941,9 млрд.сўм атрофида бўлиши прогноз қилинди;

АТБ Туронбанк активларининг реал ҳажми 2026 йил март ойида 11580,3 млрд.сўмни ташкил қилиши, ҳамда 95 фоиз эҳтимоллик билан банк активларининг реал миқдори 4999,9 млрд.сўм ва 18160,8 млрд.сўм атрофида бўлиши мумкин;

ХАБ Трастбанкнинг масофавий хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони 2026 йил март ойида 246894 нафарни ташкил қилиши, шунингдек, 95 фоиз эҳтимоллик билан масофавий хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони 78184 нафар ва 415602 нафар атрофида бўлиши прогноз қилинди;

АТБ Туронбанкда масофавий хизматлардан фойдаланувчи мижозлар сони 2026 йил март ойида 679443 нафарга етиши кутилмоқда. Шу билан бирга, 95 фоиз эҳтимоллиқда банкнинг масофавий хизматлардан фойдаланувчи мижозлар сони 529661 нафардан 823326 нафаргача тебраниши прогноз қилинди;

ХАБ Трастбанкни масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати 2026 йил март ойида 557,2 млн.сўмни ташкил қилиши, ҳамда, 95 фоиз эҳтимоллиқда банкни масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати 335,2 млн.сўм ва 779,1 млн.сўм атрофида бўлиши прогноз қилинди;

АТБ Туронбанкни масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати 2026 йил март ойида 9283,1 млн.сўмни ташкил қилиши, шунингдек, 95 фоиз эҳтимоллиқда банкни масофавий банк хизматларидан оладиган даромадларининг реал қиймати 5927,7 млн.сўм ва 12638,5 млн.сўм атрофида бўлиши кутилмоқда.

Адабиётлар / Литература/Reference:

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сон фармонига 1-илова. <<https://lex.uz/docs/4811025>>.

Haralayya, B. (2021). How Digital Banking has brought innovative products and services to India. *Journal of Advanced Research in Quality Control and Management*, 6(1), 16-18.

Dubey, V. (2019). FinTech innovations in digital banking. *International Journal of Engineering Research & Technology (IJERT)*, 8(10), 597-601.

Kahveci, E., & Wolfs, B. (2018). Digital banking impact on Turkish deposit banks performance. *Banks & bank systems*, (13, Iss. 3), 48-57.

Ханнаев Ш.Қ. (2021). Тижорат банклари фаолияти самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.